



Савол:

Сизларга бир саволим бор эди, жавобингиздан хурсанд бўламан!
Намоз ўқимайдиган лекин иймонни олти фарзини тан оладиган киши,
ибодатсиз, иймонни тан олмайдиган аёлга уйланса бўладими?

Жавоб:

Сиз айтган эркак ва аёлнинг исломдаги ҳукми бир хил, уларнинг ҳар
иккиси исломдан ташқаридалар. Чунки иймонни тан олган киши
намоз ўқимайдиган бўлса унинг иймонининг эътибори йўқ. Пайгамбар
соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар **“улар (кофирлар) билан
бизнинг ўртамиздаги фарқ намоздир, ким уни тарк қилса
кофир бўлади”**. (Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривоятлари).

Ислом динида иймон билан амал бир бутун нарсанинг икки юзидир
уларни бир биридан айри холда тасаввур қилиб бўлмайди. Улар худди
тана билан рухга ўхшайди. Кимки тўла иймонни даъво қилсаю
исломнинг беш рукнидан биронтасини қасддан тарк қилса кофир
бўлади агар динга қирган бўлса ундан чиқиб кетади. Исломнинг
руқнлари

1. ла илаха иллаллох Мухаммадун расулуллохга иймон
2. намозни адо этиш
3. рамазон рўзасини тутиш
4. Закотни адо этиш
5. кодир бўлган кимсага ҳаж қилиш.

Иймонли, намоз рўзали киши мусулмон ҳисобланади, бундай киши
бейймон бенамоз аёлга уйланиши мумкин эмас.